

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида
коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш
УСЛУБИЁТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Услубиёт адлия органлари ва муассасалари зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга қўйиладиган талабларни белгилайди ҳамда адлия органлари ва муассасаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда ягона ёндашувни яратишга қаратилган.

2. Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

адлия органлари ва муассасалари фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш йўли билан коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган адлия органлари ва муассасалари ходимларининг функциялари ва лавозимларини аниқлаш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали профилактика чораларини ишлаб чиқиш.

3. Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қуйидаги ҳужжатларни ишлаб чиқишни назарда тутди:

коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича чоралар (тадбирлар), масъул шахслар, уларни амалга ошириш механизми ва муддатларни ўз ичига қамраб оладиган коррупцияга қарши курашиш дастурлари.

4. Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили ёки мунтазам равишда, қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш зарурияти келиб чиққанда;

конун ҳужжатлари талаблари ўзгарганда;

функция ва тартиб-таомилларни амалга оширишга жиддий таъсир қиладиган тарзда адлия органларининг ички ҳужжатлари ўзгарганда;

адлия органлари ва муассасаларининг ташкилий тузилмаси, хавф-хатар мавжуд функциялари хусусиятларининг ўзгариши, янги функцияларнинг пайдо бўлиши;

адлия органлари ва муассасалари функцияларининг коррупциявий хавф-хатар даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларнинг келиб чиқиши.

5. Ушбу Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

баҳолаш хулосаси – адлия ходимининг ёки умуман адлия органи ва муассасасининг субъектив қараши ёки фикри асосида бирон-бир факт ёки ҳодиса бўйича қарор;

давлат мулкани бошқариш функцияси – адлия органлари ва муассасаларининг давлат мулкани оператив бошқариш ҳамда ундан фойдаланиш билан боғлиқ функцияси;

давлат хизматларини кўрсатиш функцияси – мурожаатчиларнинг сўровлари асосида давлат хизматларини ва бошқа хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бўлган адлия органлари ва муассасаларининг функцияси;

коррупциявий хавф-хатарлар харитаси – тегишли функцияларни бажариш билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларнинг тавсифи (схемалар), мавжуд ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари, адлия органлари ва муассасаларининг функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул бўлган ходимларни ўз ичига олган ва Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузилган ҳужжат;

коррупциявий хавф-хатарларнинг идоравий харитаси – тегишли адлия органи ёки унга бўйсунувчи муассасанинг функциялари ва тартиб-таомиллари рўйхати, тегишли функцияларни бажариш билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарлар тавсифи (схема), мавжуд ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари, шунингдек аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул ходимларни ўз ичига олган ва адлия органида

ёки муассасасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижаларига кўра тузилган ҳужжат;

коррупциявий хавф-хатар – адлия органлари ва муассасалари ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан адлия органлари ва муассасалари номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли ва хавфи;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали порани яъни пул, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулкни, мулкый тусдаги хизматларни, бошқа мулкый ҳуқуқларни олиш, талаб қилиш, таклиф қилиш, ваъда қилиш ва бериш, шунингдек, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмийтчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, ходим томонидан пора олиш ёки ҳуқуққа хилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

қолдик хавф-хатар – адлия органи ёки муассасаси хавф-хатарга нисбатан таъсир чоралари кўрганидан кейин қоладиган хавф-хатар (яъни, мавжуд коррупцияга қарши сиёсат, минималлаштириш ва жорий этилган назорат чораларини ҳисобга олган ҳолда);

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш – адлия органи ёки муассасасининг амалга ошириладиган функциялари (ваколатлари)ни таҳлил қилиш, уларга хос коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва ушбу хавф-хатарлар даражасини баҳолаш бўйича фаолият;

лицензиялаш функцияси – лицензиялар бериш, тўхтатиб туриш, амал қилишини тугатиш, бекор қилиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун берилган аризаларни кўриб чиқиш бўйича функция;

хос хавф-хатар – адлия органи ёки муассасаси фаолиятининг ўзига хос хусусияти ва чора-тадбирлар амалга оширилишини ҳисобга олмасдан бажарадиган функцияларига кўра хос бўлган, камайитиришга қаратилган хавф-хатар (яъни, мавжуд коррупцияга қарши сиёсатни, минималлаштириш ва жорий қилинган назорат чораларини ҳисобга олмасдан);

тартиб-таомил – битта шахс томонидан бажарилиши асосида битта гуруҳга бирлаштирилиши мумкин бўлган ёки битта натижага йўналтирилган

ёки маълум бир жараённинг ажралмас элементи бўлган адлия органи ёки муассасаси функцияларини амалга ошириш доирасидаги ҳаракатлар мажмуи;

рухсат бериш функцияси – жисмоний ва юридик шахсларга муайян фаолият турларини амалга оширишга имкон берадиган адлия органлари ва муассасаларининг рухсатномалар бериш бўйича фаолияти;

рўйхатга олиш функцияси – объектларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, ўзгартириш ёки тугатиш мақсадида ҳужжатлар, ҳуқуқлар ва бошқаларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ адлия органлари ва муассасаларининг функцияси;

функция – тартиб-таомиллар йиғиндисини ташкил этувчи адлия органи ёки муассасасининг фаолиятнинг жараёнларидан бири (фаолият йўналиши).

6. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими (бундан буён матнда Коррупцияга қарши курашиш бўлими деб юритилади) билан келишилган ҳолда адлия органи ёки муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланган ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

7. Коррупцияга қарши курашиш бўлими барча адлия органлари ва муассасаларида коррупциявий хавф-хатарларини баҳолаш ва аниқланган хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун масъул бўлинма ҳисобланади.

2-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш

8. Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш адлия вазирининг топшириғи асосида амалга оширилади. Бунда унинг амалга оширилиши муддати белгиланилади.

9. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш учун ҳар бир адлия органи ёки муассасасида ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳ таркиби Коррупцияга қарши курашиш бўлими билан келишилган ҳолда адлия органи ёки муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланади.

10. Адлия органи ёки муассасасида ишчи гуруҳлар таркибига:

жойларда коррупциявий баҳолашни мувофиқлаштирадиган ва тегишли адлия органи ёки муассасасининг коррупциявий хавф-хатарлари идоравий харитасининг якуний лойиҳасини тайёрлайдиган адлия органи ёки муассасасининг коррупцияга қарши мувофиқлаштирувчиси (Адлия

вазирлигининг марказий аппаратида мувофиқлаштирувчи функциясини Коррупцияга қарши курашиш бўлими амалга оширади);

адлия органи ёки муассасасининг функцияларини амалга оширувчи таркибий бўлинма раҳбарлари;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун етарли билим ва тажрибага эга бўлган адлия органи ёки муассасасининг бошқа ходимлар киради.

11. Коррупцияга қарши курашиш бўлими ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштиради, адлия органлари ва муассасаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнини кузатади ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчиларга улар томонидан мазкур Услубиётда назарда тутилган тартибга риоя қилиши бўйича маслаҳат беради.

12. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш доирасида Коррупцияга қарши курашиш бўлими қуйидаги тартиб-таомилларни амалга оширади:

барча идоравий коррупциявий хавф-хатарлар хариталарини адлия органлари ва муассасаларининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасида умумлаштиради;

адлия органлари ва муассасаларининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини адлия вазири, Адлия вазирлиги Хайъатига кўриб чиқиш учун киритади;

коррупциявий хавф-хатарларнинг идоравий харитасини адлия органлари ва муассасалари раҳбарларининг эътиборига етказиши;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

заруратга кўра, бўлинма раҳбарлари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчилардан қўшимча маълумот ва ҳужжатларни сўрайди;

коррупциянинг келиб чиқишига олиб келадиган сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган таклифларни раҳбариятга киритади;

адлия органлари ва муассасалари томонидан ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги идоравий ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича уларни қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида адлия вазири томонидан тасдиқланадиган хулоса тайёрлайди.

13. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳоланиши қуйидаги босқичлардан иборат:

таркибий бўлинмалар раҳбарлари ушбу Услубиётнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда адлия органи ёки муассасаларининг таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган функциялар ва тартиб-таомилларнинг тавсифларини ишлаб чиқади ва тегишли тавсияларни коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчига юборади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи томонидан барча тақдим қилинган таркибий бўлинмаларнинг функциялари ва тартиб-таомиллар тавсифини таҳлил қилади ва ҳар бир амалга оширилаётган функция ва тартиб-таомилларнинг ушбу Услубиётнинг 4 ва 5-бобларида кўрсатиб ўтилган тартибда коррупциявий хавф-хатарларнинг даражасини белгилайди;

коррупцияга қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи ушбу Услубиётнинг 6-бобига мувофиқ идоравий коррупциявий хавф-хатарлар харитаси лойиҳасини ишлаб чиқади;

қолдиқ коррупциявий хавф-хатарнинг юқори ва ўрта даражаси берилганида коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи баҳоловчи тартиб-таомилларни бажаришга масъул бўлган таркибий бўлинма раҳбарининг мажбурий иштирокида аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чоралари ишлаб чиқилладиган мажлисни ташкил қилади. Агар мажлис натижаларига кўра коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи ва таркибий бўлинма раҳбари коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларнинг етарлилиги бўйича келишиб олмаган бўлса, ҳар иккала позиция коррупциявий хавф-хатарлар идоравий харитасида акс эттирилади ва улар бўйича Коррупцияга қарши кураш бўлимидан таклиф олгандан кейин адлия органи ёки муассасаси раҳбарига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

14. Коррупцияга қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи ва таркибий бўлинма раҳбари билан биргаликда ишлаб чиқилган коррупциявий хавф-хатарларнинг минималлаштириш чоралари идоравий коррупциявий хавф-хатарларнинг харитаси лойиҳасига киритилади.

15. Идоравий коррупциявий хавф-хатарларнинг харитаси лойиҳаси коррупцияга қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи томонидан адлия органи ёки муассасаси раҳбарига, шунингдек Коррупцияга қарши курашиш бўлимига кўриб чиқиш учун юборилади.

16. Коррупцияга қарши курашиш бўлими идоравий коррупциявий хавф-хатарларнинг харитаси тўғри ва тўлиқ тўлдирилганлигини текширади, коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган

чора-тадбирларнинг етарлилиги ва мақбуллигини ҳар бир тартиб-таомил кесимида таҳлил қилади.

17. Коррупциявий хавф-хатарларнинг идоровий харитаси лойиҳасини кўриб чиқиш якуни бўйича Коррупцияга қарши курашиш бўлими, агар эътирозлар ва саволлар бўлса, Коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчига ва адлия органи ёки муассасаси раҳбарига коррупциявий хавф-хатарлар харитасидаги эътирозларни бартараф этиш ва масалаларни аниқлаштириш тўғрисида сўров юборади.

18. Коррупцияга қарши курашиш бўлимининг эътирозлари ва саволлари бўлмаган тақдирда, коррупциявий хавф-хатарлар идоровий харитаси адлия органи ёки муассасаси раҳбари томонидан тасдиқлаш учун тайёр ҳисобланади, бу ҳақда Коррупцияга қарши курашиш бўлими масъул мувофиқлаштирувчи билан адлия органи ёки муассасаси раҳбарини хабардор қилади.

19. Адлия органи ёки муассасаси раҳбари коррупциявий хавф-хатарларнинг идоровий харитасини тасдиқлайди.

3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни навбатдаги тарзда (йиллик) баҳоланиши

20. Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни навбатдаги тарзда (йиллик) баҳолаш адлия вазирининг топшириғи асосида ташкил этилади.

21. Коррупциявий хавф-хатарларни навбатдаги тарзда (йиллик) баҳолашни амалга оширишда, адлия органлари ва муассасаларидаги коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчилар Коррупцияга қарши курашиш бўлими кўмагида адлия органлари ва муассасаларининг таркибий бўлинмалари раҳбарларига улар томондан ўз бўлинмаларининг функцияларини тавсифлайдиган қуйидаги маълумотларни аниқлаштириш учун мазкур Услубиётнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда сўровнома юборадилар:

конунчиликда адлия органлари ёки муассасалари томонидан амалга ошириладиган тартиб-таомилларга таъсир кўрсатадиган бирон-бир ўзгаришлар мавжудми;

адлия органи фаолиятида ёки давлат органлари тизимида бирон-бир ўзгаришлар бўлганми ёки адлия органи функцияларини бажаришига таъсир кўрсатган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа ташқи омиллар содир бўлганми;

коррупциявий хавф-хатарлар охирги марта баҳоланганидан кейин функция тузилмасида, функция фаолиятини тартибга солувчи ички ҳужжатларда ўзгаришлар бўлганми;

коррупциявий хавф-хатарларни аввалги баҳолашда белгиланган коррупциявий хавф-хатарларини минималлаштириш бўйича чоралар амалга оширилганми;

адлия органлари бўлинмаларида функцияларни бажариш ва тартиб-таомилларни амалга ошириш тартибига таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатлар мавжудми.

22. Адлия органлари ва муассасаларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчилари таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан тўлдирилган сўровномаларни умумлаштиради ва маълумотни Коррупцияга қарши курашиш бўлимига юборадилар.

23. Коррупцияга қарши курашиш бўлими коррупциявий хавф-хатарлар даражасини ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг таркибий бўлинмалари раҳбарларидан олинган маълумотларни минималлаштириш учун хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш доирасида ишлаб чиқилган ёки амалга оширилган чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда коррупциявий хавф-хатарларни навбатдаги тарзда баҳолашни амалга оширади.

4-боб. Адлия органлари ва муассасаларида амалга ошириладиган функцияларнинг коррупциявий хавф-хатарлари даражасини баҳолаш услубиёти

24. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда адлия органлари ва муассасалари бўлинмаларининг ҳар бир функцияси ва тартиб-таомиллари коррупциявий ҳаракатларни содир этиш мумкинлиги жиҳатидан таҳлил қилиниши керак.

25. Функция ёки тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатарларининг даражасини баҳолаш қуйидаги босқичлардан иборат:

функциянинг коррупциявий хавф-хатари даражасини дастлабки баҳолаш;

адлия органи ёки муассасаси ходимлари томонидан тегишли функция доирасида амалга ошириладиган алоҳида тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатари даражасини баҳолаш.

26. Функциянинг коррупциявий хавф-хатарларини баҳолаш доирасида ҳар бир функция қуйидаги ўлчов асосида баҳоланади:

коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп дуч келадиган функция;

коррупциявий хавф-хатарларга энг кам дуч келадиган функция.

27. Чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш учун (инсон, моддий, техникавий ва молиявий) коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш навбат билан ўтказилиши мумкин, яъни коррупциявий хавф-хатарларни биринчи навбатда коррупциявий хавф-хатари юқорироқ бўлган функциялар бўйича баҳолаш керак.

28. Коррупциявий хавф-хатарлари юқорироқ бўлган функцияларга қуйидаги мисолларни келтириб ўтиш мумкин:

давлат хизматларини кўрсатиш, шу жумладан адлия органлари ва муассасалари зиммасига юклатилган лицензиялаш ва бошқа рухсат бериш, шунингдек рўйхатга олиш функциялари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан Адлия вазирлиги, адлия органлари ва муассасалари зиммасига юкланган назорат функциялари;

адлия органлари ва муассасаларининг давлат мулкани бошқариш;

адлия органлари ва муассасалари томонидан давлат харидларини амалга ошириш, товар (иш, хизмат)ларни пулли асосда сотиб олиш;

адлия органлари ва муассасаларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини ажратиш тўғрисида қарорлар тайёрлаш ва қабул қилиш;

адлия органлари ва муассасаларига ишга қабул қилиш, ходимларни танлаш ва жойлаштириш, тақдирлаш ва рағбатлантириш чораларини қўллаш ҳақида қарорлар тайёрлаш ва қабул қилиш;

адлия органлари ва муассасалари ходимларига индивидуал имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни бериш;

давлат экспертизасини ўтказиш ҳамда адлия органлари ва муассасалари томонидан хулосалар бериш;

адлия органлари ва муассасалари томонидан моддий-техник ресурсларни сақлаш ва тақсимлаш;

судларда адлия органлари ва муассасаларининг манфаатларини ифодалаш;

ариза ёки ҳисобот ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш доирасида адлия органлари ва муассасаларининг фуқаролар ва юридик шахслар билан ўзаро муносабатлари.

29. Агар адлия органи ёки муассасаси ушбу Услубиётнинг 28-бандида кўрсатиб ўтилмаган функцияларни бажарса, ушбу функциялар қуйидаги ҳолатларда коррупциявий хавф-хатари юқорироқ бўлган ҳисобланади:

коррупциявий хатти-ҳаракатлари тўғрисида хабар бериш учун мўлжалланган алоқа каналлари орқали ушбу функцияга тегишли шикоят ёки хабарларнинг мавжудлиги;

ушбу функцияни амалга ошириш доирасида коррупциявий фактлар ёки шубҳалар, шу жумладан ижтимоий тармоқлардаги шарҳлар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши;

функциянинг амалга оширадиган таркибий бўлинма бошлиғининг ўрни вакантлиги;

30. Функциянинг коррупциявий хавф-хатари юқорироқлиги тўғрисидаги қарор коррупцияга қарши мувофиқлаштирувчи ва (ёки) Коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган мезонлар ва уларнинг експерт хулосалари асосида қабул қилинади.

Ушбу Услубиётнинг 28 ва 29-бандларида назарда тутилмаган ҳолларда, функция коррупциявий хавф-хатари пастроқ деб ҳисобланади.

5-боб. Тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатарларини баҳолаш услубиёти

31. Функцияларнинг коррупциявий хавф-хатарлари даражасини баҳолаш натижаларига кўра, коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи ўрганилаётган функция доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатарларини баҳолайди, ҳар бир тартиб-таомил учун коррупциявий хавф-хатар даражасини қуйидаги ўлчовда белгилайди:

коррупциявий хавф-хатари юқорироқ бўлган тартиб-таомил;

коррупциявий хавф-хатари пастроқ бўлган тартиб-таомил.

32. Тартиб-таомилнинг коррупциявий хавф-хатари даражасини баҳолаш фақат коррупциявий хавф-хатари юқорироқ бўлган функциялар учун ўтказилади.

Агар адлия органи ёки муассасасида етарли ресурслар мавжуд бўлса (масалан, энг кам иш ҳажмига эга бўлган ходимлар, молиявий, моддий ва техник ресурслар), коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи коррупциявий хавф-хатари пастроқ бўлган функцияларни бажариш билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатарларини қўшимча равишда баҳолаши мумкин.

33. Қуйидаги ҳолларда тартиб-таомилнинг коррупциявий хавф-хатари юқорироқ деб ҳисобланади, агар:

тартиб-таомилнинг ижро этиш натижаси лицензиялар, рўйхатга олиш ҳужжатлари, бошқа турдаги хулосалар (шу жумладан, баҳолаш хулосалар), шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳаракатларни келишиш ва тасдиқлаш (розилик билдириш) ҳисобланса;

тартиб-таомилни амалга ошириш доирасида фуқаролар ва (ёки) юридик шахслар билан бевосита шахсий муносабатларга киришилса;

тартиб-таомилни амалга оширишда адлия органи ёки муассасасининг мол-мулки ва бюджет маблағлари бегоналаштирилса ёки адлия органи ёки муассасасининг мол-мулки ва бюджет маблағларини олувчиси танланса;

тартиб-таомилни амалга оширганлик учун фуқаролар ва (ёки) юридик шахслардан тўлов ундирилса;

субъектив параметрлар бўйича бир нечта номзодлар қиёсланса.

34. Агар тартиб-таомилни амалга ошириш доирасида ушбу Услубиётнинг 33-бандида кўрсатилган ҳолатлар билан тавсифланмаган бошқа чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлса, қуйидаги ҳолатларда тартиб-таомилнинг коррупциявий хавф-хатари юқорироқ ҳисобланади:

коррупциявий хатти-ҳаракатлари тўғрисида хабар бериш учун мўлжалланган алоқа каналлари орқали ушбу тартиб-таомилга нисбатан шикоят ёки хабарларнинг мавжудлиги;

ушбу тартиб-таомилнинг амалга ошириш доирасида коррупциявий фактлар ёки шубҳалар, шу жумладан ижтимоий тармоқлардаги шарҳлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиниши;

коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи ва (ёки) Коррупцияга қарши курашиш бўлими ўзларининг эксперт сифатидаги фикри ва тажрибаси асосида тартиб-таомилнинг коррупциявий хавф-хатари юқорироқ деб ҳисобласа.

35. Ушбу Услубиётнинг 33 ва 34-бандларида назарда тутилмаган ҳолларда тартиб-таомилнинг коррупциявий хавф-хатари пастроқ ҳисобланади.

36. Функция ва тартиб-таомилнинг коррупциявий хавф-хатари даражасидан қатъи назар, идоравий бўйсунувчи муассасаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи коррупциявий хавф-хатарларнинг идоравий харитасига амалга ошириладиган функциялар ва тартиб-таомилларнинг тўлиқ рўйхатини қўшиши керак.

6-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиёти

37. Адлия органининг функция ва тартиб-таомилларининг коррупциявий даражасини баҳолаш натижасига кўра ушбу Услубиётнинг 4 ва 5-бобларига мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларни мувофиқлаштирувчи қуйидаги босқичларни ўз ичига оладиган коррупциявий хавф-хатарларнинг идоравий харитаси лойиҳасини ишлаб чиқади:

коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш;

коррупциявий хавф-хатарни ўзига хос даражасини баҳолаш;
 коррупциявий хавф-хатарни камайтириш бўйича кўрилган чоралар ва
 жорий этилган назорат ва чора-тадбирлар тавсифи;
 коррупциявий хавф-хатарларнинг қолдиқ даражасини баҳолаш;
 коррупциявий хавф-хатарларнинг қолдиқ даражасини камайтириш
 бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

38. Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш фақат коррупциявий хавф-хатари юқорироқ бўлган тартиб-таомиллар учун амалга оширилади. Адлия органи ёки муассасасида етарли ресурслар мавжуд бўлганда (масалан, бўш ходимлар, молиявий, моддий ва техник ресурслар), коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи коррупциявий хавф-хатари пастроқ бўлган тартиб-таомилни амалга ошириш натижасида келиб чиқадиган коррупциявий хавф-хатарни қўшимча равишда аниқлаши ва баҳолаши мумкин.

39. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ташқи ва ички ахборот манбаларини таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

40. Ташқи ва ички ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:

коррупциявий хавф-хатарлар баҳоланадиган функцияларни амалга оширишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва адлия органлари ва муассасаларининг ички ҳужжатлари (масалан, таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномалари ва бошқалар);

ички текширувлар материаллари, шу жумладан хизмат текшируви материаллари;

одоб-ахлоқ комиссияси мажлисларининг натижалари;

ходимни коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш тўғрисидаги хабарлар;

манфаатдор тарафлар, давлат хизматларидан фойдаланувчилар, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа манфаатдор шахслар ўртасида ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари;

адлия органлари ва муассасалари фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги статистик маълумотлар;

фуқаро ва юридик шахсларнинг коррупция ҳолатлари тўғрисида маълумот бериш учун алоқа каналларига, шу жумладан “ишонч телефони” ва Telegram-каналга мурожаатлари;

фуқаролик жамияти институтларининг муурожаатлари ва оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ёки адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаганлик ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар;

ижтимоий тармоқлардаги шарҳлар;

Коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан ўтказилган коррупцияга қарши мониторинг натижалари;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тақдим этилган материаллар, шу жумладан прокурор таъсир чоралари ҳужжатлари, жиноий ишлар бўйича материаллар ва бошқалар.

41. Адлия органи ёки муассасасидаги коррупцияга қарши мувофиқлаштирувчи қўйидагиларни амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда функция ва тартиб-таомилларни таҳлил қилиш асосида потенциал коррупциявий хавф-хатарларни (мумкин бўлган коррупция схемаларининг қисқача тавсифини тайёрлайди) аниқлайди:

ходим томонидан ва (ёки) яқин қариндошлари орқали пора олиш, шунингдек ходимнинг ўз ваколатларини қонунга ҳилоф равишда бажариши муносабати билан товарларни сотиб олишда, турли ташкилотлардан хизматлар олишда асоссиз, юқори ҳақ, имтиёзлар олиш;

давлат хизматларидан фойдаланишда сунъий тўсиқларни яратиш;

ўз вақтида қарор қабул қилмаслик ёки фавқулодда тартибда қарор қабул қилиш ёки жисмоний ёки юридик шахсга нисбатан мавжуд талабларни четлаб ўтиш;

ҳужжатлар, электрон маълумотлар базаларига била туриб ёлғон маълумотларнинг киритилиши;

хизмат ваколатларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви;

расмий ваколатларни амалга оширишда фаворитизм, непотизм (таниш-билишчилик), маҳаллийчилик, ҳомийлик, уруғ-аймоқчилик каби ҳолатлар мавжудлиги.

42. Ҳар бир аниқланган коррупциявий хавф-хатар учун унинг ўзига хос даражаси (коррупция хавфининг туғма даражаси) қўйидаги шкала бўйича баҳоланади:

юқори;

ўрта;

паст.

43. Коррупциявий хавф-хатарнинг хос даражаси коррупция учун хос бўлган хавф-хатар даражасини баҳолаш матричасига мувофиқ баҳоланади (ушбу Услубиётга 6-иловага мувофиқ).

44. Агар хавф-хатар юқори ёки ўрта даражада билан тавсифланган бўлса, қуйи органдаги ёки муассасадаги коррупцияга қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи бўлим бошлиқларига ушбу функцияларга нисбатан назорат тартибларини тавсифлаш тўғрисида сўров юборади. Тегишли бўлинмалар раҳбарлари олинган сўров асосида назорат тартиб-таомиллари ва чоралари тўғрисида зарур маълумотларни тайёрлайдилар (зарур бўлганда ҳужжатларни илова қилган ҳолда) ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчига юборадилар.

45. Ушбу Услубиётнинг 44-бандида кўзда тутилган маълумотни олгандан сўнг, идоравий бўйсунувчи орган ёки муассасадаги коррупцияга қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражасини қуйидаги шкала бўйича баҳолайди:

юқори;

ўрта;

паст.

46. Коррупциявий қолдиқ хавф-хатар даражасига баҳо бериш мезонлари 7-иловада келтирилган.


47. Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар юқори даража билан тавсифланадиган функциялар ва тартиб-таомилларнинг адлия органлари ва муассасалари ходимларининг лавозими кўрсатилган ҳолда доираси белгиланади. Шундан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи 5-иловага мувофиқ коррупциявий хавф-хатари юқорироқ бўлган адлия ходимларининг лавозимлари рўйхатини ишлаб чиқади.

7-боб. Қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларнинг даражасини камайтириш чоралари

48. Қолдиқ коррупциявий хавф-хатарни камайтирадиган чора-тадбирлар, назорат ва ҳаракатлар, қуйидагиларни ўз ичига олади:

адлия органлари муассасаларининг функциялари ва тартиб-таомилларининг аниқ тартибга солиш;

давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини соддалаштириш, асоссиз чекловларни, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бекор қилиш, бюрократик тартибга солиш механизмларини йўқ қилиш, ихтиёрий



ваколатлар сонини камайтириш, тақдим этилган ҳужжатлар сонини ва қарорларни қабул қилиш муддатлари қисқартириш;

адлия органлари ва муассасалари ходимлари ҳамда уларга нисбатан маъмурий тартиб-таомил ва бошқа ҳаракатлар амалга оширилаётган шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани максимал даражада чеклаш, электрон ахборот алмашиш тизими жорий этиш;

расмий фаолиятни амалга оширишда ахборот технологияларини қўллаш, иш жараёнларини автоматлаштириш, уларни тузатиш учун видеокузатув ва аудиоёзув воситаларидан фойдаланиш кўлами кенгайтиш;

расмий веб-сайтларда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида амалга оширилаётган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш орқали тарқатиш;

фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муносабат шакллари кенгайтириш, бу биринчи навбатда, давлат органида коррупция тўғрисида хабар беришни рағбатлантиришга қаратиш;

адлия органлари томонидан тушунтириш тадбирлари ва профилактик суҳбатлар ўтказилиши, ишонч телефонлари ва алоқа каналлари тарғиб қилиш;

коррупцияга қарши органлар ва адлия ходимлари тайёрлаш;

механизмни такомиллаштириш, аниқ мезонларни белгилаш ва номзодларни танлашда шаффофликни таъминлаш, коррупциявий хавф-хатари юқорироқ бўлган лавозимларни эгаллаб турган адлия тизими ходимларини мажбурий алмаштириш тартибини белгилаш;

якка тартибда қарор қабул қилиш ҳолатларини камайтириш, шунингдек адлия органлари ходимларининг қарорлар натижалари тўғрисида ҳисобот беришнинг қўшимча шакллари яратиш;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички ҳужжатларга ҳар куни, ўзаро ва тўлиқ риоя қилинишларини назорат қилинишини таъминлаш;

адлия органларининг коррупцияга қарши тизими элементларининг самарали ишлашини таъминлаш.

49. Коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чораларини белгилашда қуйидагилар зарур:

ҳар бир чора адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан ўз мақсадларини, якуний натижани ва маълум коррупциявий хавф-хатарни минималлаштиришни тўғри тушуниш учун аниқ ва тўғри шакллантириш;

хар бир чора учун, уни амалга ошириш даври ёки даврийлиги белгиланиши, унинг бажарилиши учун маъсул шахслар, ушбу чора-тадбирларнинг бажарилишини мониторинг қилиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш механизмлари аниқлаш керак.

50. Коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчининг адлия тизимининг бўлимлари раҳбарлари билан учрашувларидан сўнг ишлаб чиқилган идоравий бўйсунувчи орган ёки муассасада аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чоралари бу орган ёки адлия тизимининг коррупцияга қарши курашиш дастурига киритилади.

8-боб. Якуний қоидалар

51. Заруратга кўра, адлия органлари ва муассасаларининг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масалалари Адлия вазирлиги тизимидаги коррупцияга қарши курашиш бўлимининг таклифига биноан адлия вазири томонидан кўриб чиқилади.

52. Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш Адлия вазирлиги тизимидаги Коррупцияга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан амалга оширилади.

53. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилмаслиги ёки етарли даражада бажарилмаганлиги учун жавобгарлик адлия органи ёки муассасаси раҳбарига юклатилади.

Адлия вазирлиги тизимида
коррупциявий хавф-хатарларни
баҳолаш услубиётига
1-ИЛОВА

**Адлия органлари ва муассасаларининг таркибий тузилмалари томонидан бажариладиган функция ва тартиб-таомилларнинг
НАМУНАВИЙ ТАВСИФИ**

Т/р	Функция тавсифи	Функция доирасида бажариладиган тартиб-таомиллар	Жараёнларни амалга ошириш учун жавобгар шахслар (Ф.И.О, лавозими)
1. Адлия вазирлигининг марказий аппарати			
1.1. Нодавлат нотижорат ташкилотлар бошқармаси			
1.1.1.	Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, уларнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш қилишга қўмаклашиш	ННТларни давлат рўйхатидан ўтказиш / қайта рўйхатдан ўтказиш учун аризаларни қабул қилиш.	Ф.И.О, лавозими
		ННТларни давлат рўйхатидан ўтказиш / қайта рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш.	Ф.И.О, лавозими
		ННТлар томонидан устав фаолиятини амалга ошириш ва маблағлардан мақсадли фойдаланишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш.	Ф.И.О, лавозими
		ННТларнинг фаолиятини мониторинг қилиш ва чет эллик шахслардан маблағ олишни келишиш.	Ф.И.О, лавозими
		Рўйхатдан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат реестрини юритиш.	Ф.И.О, лавозими
		Нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимларини, шу жумладан, чет эл фуқаролари бўлган диний ташкилотлар ходимларини, шунингдек, уларнинг қарамоғида бўлган оила аъзоларини аккредитация қилиш.	Ф.И.О, лавозими
		Нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, диний ташкилотлар фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш масалалари бўйича давлат органлари ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.	Ф.И.О, лавозими
		Нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, диний ташкилотлар томонидан ташкиллаштирилган тадбирлар тўғрисида келиб тушган маълумотларни таҳлил қилиш.	Ф.И.О, лавозими
		Сиёсий партияларнинг ўз устав фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағларини тақсимлаш.	Ф.И.О, лавозими
		Нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, диний ташкилотлар фаолияти, бошқа давлатлар, халқаро ва хорижий ташкилотлар, хорижий давлатлар фуқаролари ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишлари устидан мониторинг ўтказиш тартибини	Ф.И.О, лавозими

		белгилаш, шунингдек нодавлат нотижорат ва диний ташкилотларни фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар шаклини, шу жумладан, аккредитация карталари шаклини тасдиқлаш.	
		Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларини рўйхатдан ўтказиш ва вақтинчалик ҳакамлик судларини ҳисобга олиш.	Ф.И.О, лавозими

Адлия вазирлиги тизимида
коррупциявий хавф-хатарларни
баҳолаш услубиётига
2-ИЛОВА

**Коррупциявий хавф-хатарларни кейинчалик баҳолаш учун адлия органлари ва муассасалари
функцияларини тавсифлаш учун саволнома
ШАКЛИ**

Илтимос, қуйидаги саволларга жавоб беринг (кераклигини белгиланг):

1. Коррупциявий хавф-хатарларни сўнгги мартда баҳолаганингиздан бери қонун ҳужжатларида бирон-бир ўзгаришлар бўлдики? Агар ўзгаришлар бўлган бўлса, илтимос, қуйидаги жадвалга тегишли маълумотларни киритинг.

А) Ҳа Б) Йўқ

2. Коррупциявий хавф-хатарларни сўнгги мартда баҳолаганингиздан бери таркибий бўлинма томонидан амалга оширилган функцияларда ёки ушбу ташкилот фаолиятини тартибга солувчи ички ҳужжатларда бирон-бир ўзгаришлар бўлдики? Агар ўзгаришлар бўлган бўлса, илтимос, қуйидаги жадвалга тегишли маълумотларни киритинг.

А) Ҳа Б) Йўқ

3. Коррупциявий хавф-хатарларни сўнгги мартда баҳолаганингиздан бери сизнинг бўлинмангиз томонидан бажариладиган функцияларни бажаришга таъсир кўрсатган ёки таъсир кўрсатадиган давлат бошқаруви органларининг фаолиятида / таркибий қисмида бирон-бир ўзгаришлар бўлдики? Агар ўзгаришлар бўлган бўлса, илтимос, қуйидаги жадвалга тегишли маълумотларни киритинг.

А) Ҳа Б) Йўқ

4. Аввалги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижасида коррупция хавф-хатарини минималлаштириш бўйича чоралар кўрилдими? Нима ва қачон амалга оширилганлигини тасвирлаб беринг. Амалга оширилмаган ёки қисман бажарилган бўлса, нима учун бундай бўлганини ёзинг.

А) Ҳа Б) Йўқ В) Қисман бажарилган

5. Адлия органи ва муассасаларининг функциялари ва тартиб-таомилларининг бажарилишига таъсир кўрсатадиган бошқа ҳолатлар ҳам мавжуд ми? Агар мавжуд бўлса, илтимос, қуйидаги жадвалга тегишли маълумотларни киритинг.

А) Ҳа Б) Йўқ

Т/р	Функциянинг ўзгариш сабаблари	Функция ўзгаришларининг тавсифи	Функция доирасида бажариладиган янги / ўзгартирилган тартиб-таомиллар	Тартиб-таомилларни амалга ошириш учун жавобгар шахслар (Ф.И.О, лавозими)
1. Адлия органи ва муассасасининг номи				
1.1. Адлия органи ва муассасасининг таркибий тузилмаси номи				
1.1.1.				
1.1.2.				
...				

Адлия органи / муассасаси номи _____

Таркибий тузилма номи _____

Тўлдирилган шахснинг лавозими _____

Тўлдирилган шахснинг Ф.И.О. _____

Имзо _____

Тўлдирилган сана _____

Адлия органлари ва муассасаларининг коррупциявий хавф-хатарларининг идоравий харитаси

Т/р	Амалга оширилиши мумкин бўлган коррупциявий схема (хавф-хатар)нинг қискача тавсифи	Тааллуқли бўлган хавф-хатарнинг даражаси (паст, ўрта, юқори)	Амалдаги назорат тартиб-таомиллари / коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари	Коррупциявий хавф-хатарлари юқорироқ бўлган бўлинмалар, лавозимлар	Қолган хавф-хатар даражаси (паст, ўрта, юқори)	Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари	Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чораларини амалга оширишга масъул(лар)
1. Адлия органи номи							
1.1. Адлия органининг бўлинмаси функцияси номи (функциянинг хавф-хатар даражасини (коррупциявий хавф-хатари юқорироқ ёки пастроқ бўлган) кўрсатиш)							
1.1.1. Тартиб-таомил номи (тартиб-таомилнинг хавф-хатар даражасини (коррупциявий хавф-хатари юқорироқ ёки пастроқ бўлганини) кўрсатиш)							
1.1.1.1							
1.1.2. Тартиб-таомил номи (тартиб-таомилнинг хавф-хатар даражасини (коррупциявий хавф-хатари юқорироқ ёки пастроқ бўлганини) кўрсатиш)							
1.1.2.1							
1.2. Адлия органининг бўлинмаси функцияси номи (функциянинг хавф-хатар даражасини (коррупциявий хавф-хатари юқорироқ ёки пастроқ бўлган) кўрсатиш)							
1.2.1 Тартиб-таомил номи (тартиб-таомилнинг хавф-хатар даражасини (коррупциявий хавф-хатари юқорироқ ёки пастроқ бўлганини) кўрсатиш)							
1.2.1.1							
1.2.2 Тартиб-таомил номи (тартиб-таомилнинг хавф-хатар даражасини (коррупциявий хавф-хатари юқорироқ ёки пастроқ бўлганини) кўрсатиш)							
1.2.2.1							
2. Адлия органи номи							
2.1. Адлия органининг бўлинмаси функцияси номи (функциянинг хавф-хатар даражасини (коррупциявий хавф-хатари юқорироқ ёки пастроқ бўлган) кўрсатиш)							
2.1.1 Тартиб-таомил номи (тартиб-таомилнинг хавф-хатар даражасини (коррупциявий хавф-хатари юқорироқ ёки пастроқ бўлганини) кўрсатиш)							
2.1.1.1							
...							

Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий
хавф-хатарларни баҳолаш услугиётига
4-ИЛОВА

Адлия органлари ва муассасаларининг коррупцияга қарши курашиш
ДАСТУРИ

Т/р	Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари/тадбирлари/тартиб- таомиллари	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
1. Адлия органининг номи				
1.1.				
1.2.				
...				
2. Адлия органининг номи				
2.1.				
2.2.				
...				
...				

Адлия вазирлиги тизимида
коррупциявий хавф-хатарларни
баҳолаш услубиётига
5-ИЛОВА

Коррупциявий хавф-хатари юқорироқ бўлган адлия органларининг лавозимлари
РЎЙХАТИ

Т/р	Бўлинмалар функцияларини бажаришга масъул бўлган шахслар (Ф.И.О., лавозими)	Бўлинма номи
1. Адлия органи номи		
1.1.		
...		
2. Адлия органи номи		
2.1.		
...		
...		

Адлия вазирлиги тизимида
коррупциявий хавф-хатарларни
баҳолаш услубиётига
6-ИЛОВА

**Ўзига хос коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш
МАТРИЦАСИ**

Функция	Тартиб-таомил	Бўлиши мумкин бўлган коррупциявий ҳаракат/хавф-хатар	Ўзига хос коррупциявий хавф-хатар даражаси
Коррупциявий хавф-хатари юқорироқ бўлган	Коррупциявий хавф-хатари юқорироқ бўлган	ходимлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан пора олиш, шунингдек, хизмат мажбуриятларини виждонсизлик билан бажариш сабабли турли ташкилотлардан товарлар сотиб олиш, хизматлардан фойдаланишда асоссиз юқори мукофотлар, преференциялар ёки имтиёзларни олиши;	Юқори
		давлат харидларидан фойдаланишда сунъий тўсиқлар яратиш;	Юқори
		белгиланган муддатда қарор қабул қилмаслик ёки навбатдан ташқари тартибда ёхуд муайян жисмоний ёки юридик шахсга нисбатан амалдаги талабларни четлаб ўтган ҳолда тезлаштириб қарор қабул қилиш;	Юқори
		ҳужжатларга, маълумотларнинг электрон базасига била туриб ёлғон маълумотларни киритиш;	Юқори
		хизмат ваколатларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви;	Юқори
		хизмат ваколатларини амалга оширишда фаворитизм, непотизм, маҳаллийчилик, хомийлик, уруғ-аймоқчилик ҳолатларининг мавжудлиги;	Юқори
	Коррупциявий хавф-хатари пастроқ бўлган	ходимлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан пора олиш, шунингдек, хизмат мажбуриятларини виждонсизлик билан бажариш сабабли турли ташкилотлардан товарлар сотиб олиш, хизматлардан фойдаланишда асоссиз юқори мукофотлар, преференциялар ёки имтиёзларни олиши;	Ўрта
		давлат харидларидан фойдаланишда сунъий тўсиқлар яратиш;	Ўрта
		белгиланган муддатда қарор қабул қилмаслик ёки навбатдан ташқари тартибда ёхуд муайян жисмоний ёки юридик шахсга нисбатан амалдаги талабларни четлаб ўтган ҳолда тезлаштириб қарор қабул қилиш;	Ўрта
		ҳужжатларга, маълумотларнинг электрон базасига била туриб ёлғон маълумотларни киритиш;	Ўрта
		хизмат ваколатларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви;	Ўрта
		хизмат ваколатларини амалга оширишда фаворитизм, непотизм, маҳаллийчилик, хомийлик, уруғ-аймоқчилик ҳолатларининг мавжудлиги;	Ўрта

Функция	Тартиб-таомил	Бўлиши мумкин бўлган коррупциявий ҳаракат/хавф-хатар	Ўзига хос коррупциявий хавф-хатар даражаси
Коррупциявий хавф-хатари пастроқ бўлган	Коррупциявий хавф-хатари пастроқ бўлган	ходимлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан пора олиш, шунингдек, хизмат мажбуриятларини виждонсизлик билан бажариш сабабли турли ташкилотлардан товарлар сотиб олиш, хизматлардан фойдаланишда асоссиз юқори мукофотлар, преференциялар ёки имтиёзларни олиши;	Паст
		давлат харидларидан фойдаланишда сунъий тўсиқлар яратиш;	Паст
		белгиланган муддатда қарор қабул қилмаслик ёки навбатдан ташқари тартибда ёхуд муайян жисмоний ёки юридик шахсга нисбатан амалдаги талабларни четлаб ўтган ҳолда тезлаштириб қарор қабул қилиш;	Паст
		ҳужжатларга, маълумотларнинг электрон базасига била туриб ёлғон маълумотларни киритиш;	Паст
		хизмат ваколатларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви;	Паст
		хизмат ваколатларини амалга оширишда фаворитизм, непотизм, маҳаллийчилик, ҳомийлик, уруғ-аймоқчилик ҳолатларининг мавжудлиги;	Паст

Адлия вазирлиги тизимида
коррупциявий хавф-хатарларни
баҳолаш услугиётига
7-ИЛОВА

Қолдик коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш мезонлари

Қолдик коррупциявий хавф-хатар даражаси	Бериладиган мезон
Юқори	тартиб-таомилнинг тартибга солинмаганлиги; тартиб-таомилни ҳақиқатан бажарилишининг тартибга солинган тартиб-таомилга мувофиқ келмаслиги; тартиб-таомилни бажараётган ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашиш масалаларида таълим олмаслиги; бажарилаётган тартиб-таомил бўйича якуний қарор фақат бир ходим томонидан қабул қилиниши; коррупциявий схеманинг кенг тарқалганлиги, яъни ушбу коррупциявий схемадан бир неча марта фойдаланилганлиги ҳақидаги маълумотнинг мавжудлиги.
Ўрта	жараён тартибга солинган ва қайта ишлаш ёки тартибга солинган жараён шаффоф бўлмаган назорат тартиб-таомиллари тадбиқ этилган; жараён автоматлаштирилмаган; жараённи амалга оширишда ваколатлар самарасиз таксимланган ёки ваколатлар такрорланган; коррупциявий схема кенг тарқалмаган бўлиб ҳисобланади.
Паст	жараён тўлиқ автоматлаштирилган; жисмоний ёки юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорлик мавжуд эмас; жараённи амалга ошириш устидан назорат учинчи шахслар ёки адлия органи ва муассасасининг уч нафардан ортиқ ходимлари томонидан амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизими ходимлари
учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни
ташкил этиш юзасидан
УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Услубий кўрсатмалар адлия органлари ва муассасалари ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш масалаларида ички идоравий ўқитишни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмаларни белгилайди.

2. Мазкур Услубий кўрсатмалар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларни содир этишга олиб келаётган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва уларни қонун ҳужжатларига ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг ички ҳужжатларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

3. Адлия органлари ва муассасаларининг ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув дастурлари ва материаллари ушбу Услубий кўрсатмаларга мувофиқ ишлаб чиқилади.

4. Адлия органлари ва муассасаларининг кадрлар бошқармаси / бўлими ходимлар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш ишлари тўғрисидаги маълумотларни йиғади ва таҳлил қилади.

**2-боб. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш ишларининг асосий
тамойиллари**

5. Адлия органлари ва муассасаларининг ходимлар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш ишлари қуйидаги таможилларга таянади:

холислик ва илмийлик – коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқув материалларини тайёрлашга масъул бўлган шахслар уларни илмий фактлар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлайди;

амалийлик – адлия органлари ва муассасаларининг ходимларини коррупцияга қарши ўқитишнинг шакллари, усуллари ва материаллари амалий аҳамиятга эга бўлиши, ҳақиқий вазиятларга асосланиши, шунингдек, ходимлар томонидан олинган материалларни тушуниши даражаси ва муайян амалий вазифаларни ҳал қилиш учун қўллай олиш имкониятини, кейинчалик назоратини қамраб олиши зарур;

кетма-кетлик ва тизимлилик – коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқув материалларининг тайёрлаш ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг ходимларини ўқиш тартиби кетма-кет тарзда, тузилмавий-манتيқий тизим шаклида амалга оширилади. Ўқитиш умумий тушунчалар ва ҳодисалардан якка тартибга, соддадан мураккабга, базавийдан ривожланганга ва ҳ.к. асосида амалга оширилади;

ҳаммага мўлжалланганлик – коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш ишлари адлия органлари ва муассасалари ходимларининг мавжуд билимлари ва кўникмаларини ҳисобга олиш, барча ходимларга тушунарли бўлган ўқув материалларини шакллантириш асосида амалга оширилади;

дифференциал ёндашув – адлия органлари ва муассасалари ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш ишлари муайян функциялар / фаолият йўналишларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижаларини инобатга олади. Коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимларни эгаллаб турган ходимлар қўшимча махсус тарзда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитилади;

ўқитиш ишларининг усуллари ва шакллари доимий асосда **такмиллаштириш** – адлия органлари ва муассасалари ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек, ходимларининг билимларни ўзлаштирганлигини текширишда техник ва илмий тараққиётнинг инновациявий ютуқларидан фойдаланишга интилади.

3-боб. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш ишларининг устувор вазифалари

6. Ўқитиш ишларининг шакли ва усуллари белгилаш, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқув материалларини шакллантиришда адлия органлари ва муассасалари ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишга масъул бўлган шахслар қуйидаги устувор вазифаларга асосланишлари лозим:

коррупциянинг моҳияти, унинг шакллари, жамият ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўлиши хусусиятлари, ушбу воқеликнинг сабаблари, ижтимоий-хавфли ва зарарли оқибатлари ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқ-атворнинг маънавий-ахлоқий қадриятларига қатъий ва сўзсиз риоя қилинишига асосланган ҳуқ-атвор моделини шакллантириш;

ходимларни адлия органлари ва муассасаларида амал қиладиган, коррупцияга қарши курашишга қаратилган тамойиллар, талаблар ва тартиб-таомиллар билан таништириш;

коррупциявий хавф-хатарлар юз беришига кўмаклашувчи ҳолатларни аниқлаш ва олдини олиш, коррупциявий ҳуқ-атворга нисбатан муросасизликни намоиш этиш қобилиятини шакллантириш.

4-боб. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш ишларини шакллантириш ва ўтказишга масъул шахслар

7. Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими (кейинги ўринларда – Коррупцияга қарши курашиш бўлими) адлия органлари ва муассасалари ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув режаларини тайёрлашда қатнашади, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқув материалларини ишлаб чиқади, ўқитиш ишларини мувофиқлаштиради, шунингдек, адлия органлари ва муассасаларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича тамойиллари ва талабларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш услубига мувофиқ адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш ишларининг тартиб-таомилларини мониторинг ва назорат қилади.

8. Коррупцияга қарши курашиш бўлими адлия органлари ва муассасалари ходимларини коррупцияга қарши ўқитишга кадрлар бошқармаси (бўлими)ни ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг бошқа таркибий бўлинмаларини жалб қилади.

9. Коррупцияга қарши курашиш бўлими адлия органлари ва муассасалари ходимларини коррупцияга қарши ўқитиш режаларини тайёрлаш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқув материалларини ишлаб чиқишда “Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини

ривожлантириш маркази” давлат муассасаси ҳамда Юристлар малакасини ошириш маркази билан ҳамкорлик қилади.

10. Коррупцияга қарши курашиш бўлими ўқув материалларини тайёрлашга ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш ишларини халқаро ёки тегишли тажрибага эга бўлган маҳаллий ташкилотлар билан шартнома тузиш асосида учинчи шахсларни жалб қилиши мумкин.

5-боб. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш муддатлари ва даврийлиги

11. Адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш ишлари бир йилда камида бир марта амалга оширилади.

12. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш ишлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг ички ҳужжатларида назарда тутилган мажбурий тарзда малака ошириш давомида таълим олганлиги ҳамда кўшма конференциялар, йиғилишлар, симпозиумлар ўтказилишидан қатъи назар амалга оширилади.

13. Адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари қуйидаги ҳолларда бир йилда бир мартадан ортиқ коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқишда иштирок этади:

агар ходим коррупциявий хавфи юқори бўлган лавозимни эгаллаб турган бўлса;

лавозимга тайинлаш ва ротация қилинишда, агар шахснинг янги лавозими коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар рўйхатига кирса,

адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аниқланганда ёки бажарилаётган функциянинг коррупциявий хавфи даражаси ошганда;

адлия вазири, унинг ўринбосарлари ҳамда адлия органлари ва муассасалари раҳбарларининг топшириғига кўра.

14. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш кундузги шаклда ёки масофавий ўқитиш электрон платформасидан фойдаланган ҳолда ходимларнинг зарурий тайёргарлиги ва билимларини ошириш ҳамда назорат қилиш ишлари ўтказилиши мумкин. Барча адлия органлари ва муассасалари ходимлари коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқишда иштирок этиши учун

ушбу масофавий ўқитиш электрон платформасига кириш имконияти мавжуд бўлиши керак.

15. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш ишлари адлия вазири, унинг ўринбосарлари ҳамда адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари томонидан белгиланган муддатларда амалга оширилади.

16. Адлия органлари ва муассасаларига ишга қабул қилинган ходимлар ишга қабул қилинган пайтдан бошлаб икки ҳафта муддатда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишларда иштирок этиши ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички ҳужжатлари билан таништирилиши лозим.

6-боб. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш турлари ва шакллари

17. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш қуйидагича амалга оширилади:

барча ходимлар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ўқитиш;

коррупциявий хавф-хатар даражаси юқорироқ бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш;

адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш тизими элементларини жорий этишга масъул бўлган ходимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқишларни ташкил этиш.

18. Коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ўқитиш адлия органлари ва муассасаларининг барча ходимлари учун мажбурий бўлиб, коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг ички ҳужжатлари, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этилганда ҳаракат қилиш қоидалари ва тартиби, шунингдек, уларни содир этганлик учун жавобгарлик бўйича билим ва кўникмаларни олишга қаратилади.

19. Коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ўқитиш натижаларига кўра адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари ўрганилган материалларни ўзлаштирилганлиги ва тушунилганлигини ҳамда олинган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллай олишларини текширишга қаратилган тест топширишлари лозим.

20. Адлия органи ва муассасасининг ходимлари камида 90 % саволларга тўғри жавоб берса, коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ўқитишни муваффақиятли тамомлаган ҳисобланади.

21. Коррупциявий хавф-хатар даражаси юқорироқ бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш коррупцияга қарши умумий ўқитишдан ташқари қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

коррупциявий хавф-хатарларни идентификация қилиш ва камайитириш усуллари ва турлари;

коррупцияга йўл қўймаслик мақсадида юқори лавозимларда коррупциянинг намоён бўлиш шакллари ва турларини.

22. Коррупциявий хавф-хатар даражаси юқорироқ бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ўқитишдан қатъи назар амалга оширилади.

23. Коррупциявий хавф-хатар даражаси юқорироқ бўлган лавозимлар рўйхати Коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи шахслар кўмагида Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ шакллантирилади.

24. Адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашишни ташкил этишга масъул бўлган ходимлар учун ўқитиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида экспертларни жалб қилган ҳолда малакасини ошириш, шунингдек, ихтисослаштирилган ваколатли учинчи шахслар томонидан ташкил этиладиган тренингларда қатнашиш шаклида ҳар икки йилда камида бир марта амалга оширилади.

25. Мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 26-бандида кўрсатилган малака ошириш ва тренинглар камида 40 (қирқ) соат давомида ўтказилади.

26. Адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашишни ташкил этишга масъул бўлган ходимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш коррупцияга қарши курашиш соҳаси қонунчилигидаги ўзгаришлар, коррупцияга қарши курашиш тизимларни қуриш ва давлат органларида коррупцияни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилишини ўрганишни қамраб олиши лозим.

7-боб. Коррупцияга қарши ўқув дастури

27. Адлия органлари ва муассасаларининг ходимларига коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ўқитиш амалий аҳамиятга эга бўлиши ҳамда янги билимларни ўргатиши ёки:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни, адлия органлари ва муассасаларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларни, жумладан, ўрнатилган тақиқлар, чекловлар, мажбуриятлар ва рухсатномалар, хизмат хулқ-атворида қўйиладиган талаблар, коррупциявий тавсифдаги ҳуқуқбузарликлар аниқланганда адлия органлари ва муассасалари ходимлари ҳаракатларининг кетма-кетлиги билан боғлиқ билимлар;

адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг турли йўналишларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қобилиятини, коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган чораларни амалиётда қўллаш маҳорати бўйича олинган билимларни қўллаш кўникмаларини такрорлашни таъминлаши зарур.

28. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув материалларига мазкур Услубий кўрсатмаларнинг иловасида кўрсатилган намунавий мавзулар киритилиши мумкин.

8-боб. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш киритиш тартиби

29. Мазкур Услубий кўрсатмалар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг ички ҳужжатлари ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизими
ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича
ўқитишни ташкил этиш юзасидан услубий
кўрсатмаларга
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизими ходимлари учун
коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув
НАМУНАВИЙ ДАСТУРИ**

Мавзу	Мавзу таркиби
Коррупциянинг табиати.	Коррупция тушунчаси, шакллари ва сабаблари; Коррупция ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида; Жамиятда коррупцияга муносабат.
Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро амалиёт; Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик; Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатлар.
Адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш усуллари.	Коррупцияга қарши курашиш элементлари, шунингдек, адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича муҳим чораларнинг таҳлили; Адлия органлари ва муассасаларида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, аниқлаш ва ҳал қилиш; Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг хулқ-атвор қоидалари;

Мавзу	Мавзу таркиби
	Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ходимлар ва таркибий бўлинмаларнинг мажбуриятлари ва ваколатлари; Маъмурий тартиб-таомиллар ва регламентлардан фойдаланиш. Маъмурий чегараларни олиб ташлаш; Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик хавфи аниқланганда амалга ошириладиган ҳаракатлар.
Коррупциявий хавф-хатарлар ва одатий коррупциявий ҳуқуқбузарликлар.	Адлия органлари ва муассасалари тизимида коррупциявий хавф-хатарлар ва ҳуқуқбузарликларнинг асосий турлари; Давлат мулки ва бюджет маблағларидан фойдаланиш бўйича танловга оид тартиб-таомилларнинг самарадорлиги; Адлия органлари ва муассасаларининг харидларни амалга ошириш фаолияти доирасида коррупциявий хавф-хатарлар; Давлат харидларини амалга оширишда коррупциявий хавф-хатарлар; Жисмоний ва юридик шахсларга оммавий хизматларни кўрсатишда коррупциявий хавф-хатарлар; Лицензиялаш ва назорат қилиш-рухсат беришнинг бошқа фаолиятида коррупциявий хавф-хатарлар; Қонунлар ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг ички ҳужжатларини тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнидаги коррупциявий хавф-хатарлар; Текширувлар ўтказиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганишда коррупциявий хавф-хатарлар;

Мавзу	Мавзу таркиби
	Адлия органлари ва муассасаларининг фаолиятидаги бошқа хавф-хатарлар.
Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарлик.	Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун интизомий жавобгарлик; Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик; Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишлар бўйича Ўзбекистон Республикасида суд амалиёти.
Коррупцияга қарши фуқаролик жамияти.	Коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида жамоатчилик назорати; Ҳуқуқий негилизимни бартараф этиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш; Коррупцияга қарши курашишда жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларининг роли; Коррупцияга қарши ижтимоий фикр ва хулқ-атвори шакллантириш; Оммавий қоралаш чоралари; Фуқаролик жамияти институтларининг Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари билан ўзаро ҳамкорлиги.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг
2020 йил _____даги
_____сон буйруғига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши
тамойиллар ва талабларга риоя қилинишини
мониторинг ва назорат қилиш
УСЛУБИЁТИ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Услубиёт адлия органлари ва муассасалари тизимида коррупцияга қарши тамайиллар ва талабларга риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Услубиётда мониторинг деганда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши самарадорлигини баҳолаш ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш мақсадида текшириш, назорат ёки танқидий ўрганиш кўринишида амалга оширилиши мумкин бўлган коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатининг таҳлили тушунилади.

3. Қуйидагилар Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши тамайиллар ва талабларга риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилишнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади:

а) адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг коррупцияга қарши қабул қилинган талабларга мувофиқлигини текшириш;

б) адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг етарлилиги ва коррупцияга қарши тадбир этилган тартиб-таомилларнинг самарадорлигини баҳолаш;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мақсадида Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши тизимини такомиллаштириш.

4. Адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши тамайиллар ва талабларга риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш бўйича жавобгар бўлиб Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими (кейинги ўринларда – Коррупцияга қарши курашиш бўлими) ҳисобланади.

II. Мониторинг ва назорат қилиш йўналишлари ва уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар

5. Мониторинг ва назорат адлия органлари ва муассасаларида қабул қилинган коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатлар, яхлит ҳолда коррупцияга қарши курашиш тизимини ташкил қиладиган (кейинги ўринларда – коррупцияга қарши курашиш тизими) функция, тартиб-таомиллар, коррупцияга қарши курашиш мақсадида адлия органлари ва муассасаларида жорий этилган ва амалга оширилаётган чора-тадбирларга нисбатан амалга оширилади.

6. Адлия органлари ва муассасаларининг коррупцияга қарши курашиш тизими қуйидаги асосий йўналишлар бўйича мониторинг ва назорат қилинади:

а) коррупцияга қарши курашиш тизимининг долзарблиги ва унинг қонунчилик, шу билан бирга, халқаро қонунчилик ва стандартлар талабларига мувофиқлигини назорат қилиш, жумладан:

адлия органлари ва муассасалари фаолиятида қўлланилиши мумкин бўлган қонун ҳужжатлари ва юқори турувчи органларнинг тавсияларини мониторинг қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимни яратиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан халқаро ва хорижий ташкилотларнинг тавсияларини мониторинг қилиш;

б) адлия органлари ва муассасаларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича амалдаги тизимининг самарадорлигини мониторинг қилиш, жумладан:

адлия органлари ва муассасаларининг, жумладан, улар ходимларининг коррупциявий ҳаракатларга аралашганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳамда контрагентларида шунга ўхшаш маълумотлар мавжудлиги юзасидан оммавий ахборот воситаларини мониторинг қилиш;

адлия органлари ва муассасалари ходимларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий тамойиллар ва талаблардан хабардорлигини текшириш;

адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тартиб-таомилларга риоя қилинишини танлов асосида мониторинг қилиш.

III. Коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби

7. Ўзбекистон Республикаси ваколатли органларининг коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича қонунчилик ва тавсияларига риоя қилинишини мониторинг қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Коррупцияга қарши курашиш бўлими ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонунчилигига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларига ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиянинг қарорларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мониторингини амалга оширади. Мониторинг натижаларига кўра Адлия вазирлигининг ички ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши зарурлиги ҳақида қарор қабул қилинади;

б) мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, адлия органларининг коррупцияга қарши курашиш тизимига ўзгартириш киритишга зарурат бўлганда Коррупцияга қарши курашиш бўлими тегишли таклифларни мазкур Услубиётнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда акс эттиради.

8. Халқаро ва хорижий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тавсияларини мониторинг қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Коррупцияга қарши курашиш бўлими ҳар ярим йилда камида бир марта коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимни яратиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан хорижий ташкилотларнинг (БМТ, ШХТ, ЕХХТ ва бошқалар) тавсияларини мониторинг қилади. Қўшимча тарзда Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (International Organization for Standardization, ISO) томонидан чиқариладиган коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги стандартлар, Буюк Британиянинг регуляторлари томонидан “Порахўрликка қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва АҚШнинг “Хорижда коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ чиқариладиган тавсия ва тушунтиришлар, халқаро Трансперенси-Интернешнл ташкилотининг (Transparency International) коррупцияга қарши курашиш ва ташкилот фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш масалалари бўйича тавсияларининг мониторингини амалга оширади;

б) мониторинг натижаларидан келиб чиқиб ва зарурат бўлганда Коррупцияга қарши курашиш бўлими Адлия вазирлигининг ички ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида тегишли таклифларни тайёрлайди ва уларни мазкур Услубиётнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда акс эттиради.

9. Оммавий ахборот воситаларини мониторинг қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Коррупцияга қарши курашиш бўлими адлия органлари ва муассасаларининг коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи шахслари ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг матбуот хизмати фаол кўмагида адлия органлари ва муассасалари, уларнинг бўлинмалари ва (ёки) уларнинг ходимларининг бирон-бир ғайриҳуқуқий, жумладан, коррупциявий ҳаракатларга (кейинги ўринларда – релевант маълумот) жалб қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжудлигини аниқлаш учун оммавий ахборот воситаларини (миллий ва хорижий), шу жумладан, журналлар, рўзномалар, Интернет тармоғи ва бошқа оммавий ахборот воситаларини доимий асосда мониторинг қилади.

б) адлия органлари ва муассасаларининг коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи шахслари ҳамда матбуот хизмати томонидан аниқланган релевант маълумот зудлик билан Коррупцияга қарши курашиш бўлимига етказилади;

в) оммавий ахборот воситаларида адлия органлари ва муассасалари, уларнинг бўлинмалари ва (ёки) уларнинг ходимларининг бирон-бир ғайриҳуқуқий, жумладан, коррупциявий ҳаракатларга жалб қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар аниқланганда Коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи ушбу факт ҳақида зудлик билан адлия вазирига хабар беради ва хизмат текширувини тайинлайди ва (ёки) аниқланган маълумотларни адлия органларининг фаолиятига салбий таъсирини минималлаштириш, жумладан, Адлия вазирлиги тизимининг нуфузини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

г) Коррупцияга қарши курашиш бўлими маълумотларни оммавий ахборот воситаларида аниқланганлиги фактини мазкур Услубиётнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда журналга қайд этади.

10. Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойиллар ва талаблардан хабардорлигини текшириш Коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан ҳар ярим йилда бир марта адлия органлари ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойиллар ва талаблардан хабардорлигини текшириш тизими бўйича мазкур Услубиётнинг 2-иловасига мувофиқ бирламчи тадбирларни ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан коррупцияга қарши сиёсат ва тартиб-таомилларга риоя қилинишини мониторинг қилиш

белгиланган режага мувофиқ текширув шаклида Коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан амалга оширилади.

11. Адлия вазирининг буйруғига кўра адлия органлари ва муассасаларида уларнинг фаолияти бўйича режадан ташқари комплаенс-текширувлар ўтказилиши мумкин.

12. Комплаенс-текширувлар доирасида ходимлар томонидан Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати ва тартиб-таомилларга риоя қилинишини назорат қилиш, содир этиш эҳтимоли юқори бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, коррупциявий хавф-хатарларни ҳар йили баҳоланиши ва аввалги мониторинг доирасида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ижросини назорат қилиш амалга оширилади.

13. Комплаенс-текширувларни ҳар йилда режалаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ҳар йили 15 январгача Коррупцияга қарши курашиш бўлими адлия органлари ва муассасаларида комплаенс-текширувларни ўтказиш режасини ишлаб чиқади;

режа бир календарь йилга тузилади ва биринчи навбатда, адлия органлари ва муассасаларининг коррупциявий хавф-хатари юқорироқ бўлган функцияларини ўз ичига олади. Комплаенс-текширувларни ўтказиш режасида:

а) текширув соҳаси (йўналиши) – муайян адлия органларининг таҳлил қилинадиган ички жараёнлари ва (ёки) функциялари/йўналишлари;

б) текширув предмети – ижроси текширилиши лозим бўлган адлия органларининг ички ҳужжатлари;

в) текширув даври;

г) текширув тури (тўлиқ ёки танлов асосида);

д) текширув усули (масалан, тўғридан-тўғри функцияни бажаришга масъул бўлган ходим билан интервью, ҳужжатларни, коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар ижросини текшириш ва ҳ.к.) кўрсатилади.

Режа 31 январгача адлия вазири томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим.

14. Комплаенс-текширувлар адлия вазирининг текширувларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги буйруғи асосида ўтказилади.

15. Комплаенс-текширувлар алоҳида ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тартибда ўтказилади:

а) комплаенс-текширув адлия органларининг жараёнлари/ҳужжатларини таҳлил қилиш, шунингдек, муайян чора-тадбирлар/функцияларни бажарилганлигини тасдиқлаш учун зарур маълумот/ҳужжатларни сўрашдан бошланади (масалан, харид бўйича ҳужжатларни, арз қилувчи билан электрон ёзишмаларни, кириш ва чиқиш ҳужжатларини, бухгалтерлик бирламчи ҳужжатларни, ҳисобга олиш тизимидан юкланмалар, фотоматериаллар, тасдиқловчи ҳужжатлар);

б) сўров юборилаётган адлия органлари таркибий бўлинмалари раҳбарлари сўралаётган барча ҳужжатларни ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилишига жавобгар ҳисобланади;

в) сўралаётган ҳужжатлар олинганидан кейин Коррупцияга қарши курашиш бўлими жараён ва функцияларни уларнинг бажарилиши ички ҳужжатларга, жумладан, коррупцияга қарши тамойиллар, талаблар ва тартиб-таомилларга мувофиқлигини таҳлил қилади. Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш бўлими адлия органлари ва муассасалари ходимлари ҳаракатларининг қонунийлигини ва уларга адлия органлари ва муассасаларининг коррупцияга қарши тамойиллар ва талаблар жиҳатидан йўл қўйилишини текширади;

г) Коррупцияга қарши курашиш бўлимининг комплаенс-текширувни ўтказётган ходимлари комплаенс-текширувни лозим даражада ҳужжатлар билан расмийлаштирилишини ва кузатилишини, жумладан, қуйидагилардан иборат бўлган иш ҳужжатларини рамийлаштириш йўли билан таъминлайди:

текширув ва текширилган тартиб-таомиллар доирасида бажарилган ҳаракатлар ҳақидаги маълумот;

аниқланган қоидабузарликлар/кузатувлар ҳақидаги маълумот;

комплаенс-текширувнинг ҳулосалари/натижаларини тасдиқловчи файллار/ҳужжатлар (сўралган ҳужжатларнинг нусхалари/сканер қилинган версиялари);

д) Коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи ушбу бўлим ходимлари томонидан комплаенс-текширувнинг тасдиқланган режаси доирасида ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришларини назорат қилиб, комплаенс-текширув натижаларининг асосланганлиги бўйича жавобгар бўлади.

16. Комплаенс-текширув Коррупцияга қарши курашиш бўлимининг топшириғи ва адлия вазирининг буйруғи билан учинчи шахслар томонидан

комплаенс-текширувни ўтказиш тажрибасига эга бўлган халқаро ёки маҳаллий ташкилотлар билан шартнома тузиш орқали ўтказилиши мумкин.

17. Комплаенс-текширув натижаларига кўра қуйидаги асосий қисмлардан иборат бўлган коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиниши ҳақида маълумотнома-ҳисобот тузилади:

кириш қисми: ўтказилган комплаенс-текширув ҳақида маълумот (жараёнлар/функциялар, текширилаётган давр, иштирокчилар, муддатлар, назорат тартиб-таомиллари, ўрганилган ҳужжатлар ва ҳ.к.) кўрсатилади;

баён қисми: текширув давомида аниқланган ҳолатлар, текширув тадбирларини ўтказиш натижалари ва аниқланган қоидабузарликлар ҳақидаги маълумот акс эттирилади;

қарор қисми: адлия органларидаги коррупцияга қарши мавжуд назоратлар/тартиб-таомилларнинг самарадорлиги ҳақидаги хулосалар ва (заруратга кўра) ички жараёнларни амалга оширишда коррупцияга қарши чораларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар шакллантирилади.

18. Комплаенс-текширув ҳақидаги ҳисоботнинг асосий қоидалари/кузатувлар ушбу Услубиётининг 1-иловасига мувофиқ шаклда умумий журналда акс эттирилади.

IV. Яқунловчи қоидалар

19. Мониторинг ва назорат бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасига кўра Коррупцияга қарши курашиш бўлими ҳар чоракда адлия вазири ва Адлия вазирлиги Ҳайъати олдида ҳисобот беради.

20. Коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан мониторинг ва назорат бўйича чора-тадбирлар натижасига кўра ишлаб чиқилган тавсиялар кейинги йилга мўлжалланган Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш дастурига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
 тизимида коррупцияга қарши таъминотлар ва
 талабларга риоя қилинишини мониторинг ва
 назорат қилиш услубиётига
 1-ИЛОВА

Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши таъминотлар ва талабларга риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш
 ЖУРНАЛИ

T/ p	Мониторинг / тадбир тури	Чора- тадбирларни мониторинг қилиш даврийлиги (ҳар йили/ҳар ярим йилда/ҳар куни/мунтазам)	Мониторинг / тадбирни ўтказиш санаси	Кузатувни тафсилоти	Коррупцияга қарши курашиш tizimini тўғрилаш чоралари	Масъул ижрочи	Тўғриланади оган чора- тадбирларни ижро муддати	Ижро ҳолати
Коррупцияга қарши курашиш тизимининг етарлилигини баҳолаш								
1.	Қонунчилик ва ваколатли органларининг тавсияларининг мониторинги	Ҳар куни		1.1.	1.1.	1.1.	1.1.	1.1.
				1.2.	1.2.	1.2.	1.2.	1.2.
				...	...	...	...	...
2.	Коррупцияга қарши курашиш масалаларида халқаро ва хорижий ташкilotларнинг тавсияларининг мониторинги	Ҳар ярим йилда		2.1. ...	2.1. ...	2.1. ...	2.1. ...	2.1. ...
				2.2. ...	2.2. ...	2.2. ...	2.2. ...	2.2. ...
				...	...	...	...	...
Коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини баҳолаш								
3.	ОАВ мониторинги	Мунтазам		3.1. ...	3.1. ...	3.1. ...	3.1. ...	3.1. ...
				3.2. ...	3.2. ...	3.2. ...	3.2. ...	3.2. ...
				...	...	...	...	...
4.	Ходимларнинг	Ҳар ярим йилда		4.1. ...	4.1. ...	4.1. ...	4.1. ...	4.1. ...

T/ p	Мониторинг / тадбир тури	Чора- тадбирларни мониторинг қилиш даврийлиги (ҳар йили/ҳар ярим йилда/ҳар қуни/мунтазам)	Мониторинг / тадбирни ўтказиш санаси	Кузатувни тафсилоти	Коррупцияга қарши курашиш таъсирини тўғрилаш чоралари	Масъул ижрочи	Тўғриланади оган чора- тадбирларни ижро муддати	Ижро ҳолати
	коррупцияга қарши таъсирлар таалаблардан хабардорлигини текшириши			4.2. ...	4.2. ...	4.2. ...	4.2. ...	4.2. ...
				...	...	...	...	...
				...	...	...	...	...
5.	Адлия органлари ва муассасалари ҳодимлари томонидан коррупцияга қарши ўрнатилган сиёсат ва тартиб-таомилларга риоя қилинишининг мониторинги	Ҳар йили		5.1. ...	5.1. ...	5.1. ...	5.1. ...	5.1. ...
				5.2. ...	5.2. ...	5.2. ...	5.2. ...	5.2. ...
				...	...	...	...	...

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
тизимида коррупцияга қарши таъомиллар ва
талабларга риоя қилинишини мониторинг ва
назорат қилиш услубиётига
2-ИЛОВА

**Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг коррупцияга қарши таъомиллар ва талаблардан
хабардорлигини текшириш
ТИЗИМИ**

Т/р	Текширув йўналиши	Текширув тадбирлари
1.	Адлия органлари ва муассасалари ходимларига одоб-ахлоқ қоидаларига, коррупцияга қарши таъомиллар ва талабларга риоя қилиш масалалари бўйича тренинглар (кундузги ёки сиртқи) ўтказилишининг мониторинги	Тренинглар мунтазамлиги, уларнинг мазмуни ва қатнашувчи шахслар қисми бўйича ички талабларга риоя қилинишини назорат қилиш.
2.	Коррупцияга қарши курашиш принциплари ва тартиб-таъомиллар талабларини билишини текшириш	Адлия органлари ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш тренинглари доирасида ўтказиладиган тест ёки бошқа назорат тадбирларидан ўтишлари натижаларининг таҳлили; Ходимларни коррупцияга қарши сиёсат билан имзо қўйдирилган ҳолда мажбурий тарзда таништирилганлигини текшириш; Ходимларни коррупцияга қарши сиёсат ва тартиб-таъомилларнинг билишини танлов асосида текшириш: 1) текширувда қатнашиш учун адлия органлари ва муассасалари ходимларини танлов асосида аниқлаш (сўровда қатнашадиган ходимларнинг энг кам сони – адлия органларида турли таркибий бўлинмалардан турли лавозимларни эгаллаб турган кишилар сони 10 нафар);

Т/р	Текширув йўналиши	Текширув тадбирлари
		2) ички ҳужатларда кўрсатилган коррупцияга қарши талаблар ва нормалар бўйича (муайян вазиятда вазифа – кейсларни ҳал қилиш билан) саволлар рўйхатини тузиш (саволларнинг энг кам сони 10 та, улар тест форматида, очик саволлар шаклида ёки бошқача усулда тузилиши мумкин); 3) жавоблар/қарорларни тақдим қилишлари учун танлаб олинган ходимларга назорат саволларини юбориш; 4) натижаларни таҳлил қилиш ва ходимлар билан коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларни тушунишда қийинчиликларни муҳокама қилиш.